

ЛОЙИХА-СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 16

ФАРГОНА ШАХРИ

2022 ЙИЛ “6 айриш”

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фаргонасувқурилишнинвест» ДМ номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи директори Ш. Юлдашев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Fargonaumtadbirqurloyiha» маъсулити чекланган жамият номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Абдурахмонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёллари ва коидалари (КМК 1.03.01) хамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёраш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Фаргона вилояти Олтиариқ тумани «Катпут» МФЙ худудида янги ўзлаштирилган ерларда токзорлар ташкил этиши учун № 4- сугориш қудук қазиш ишлари объектига лойиха смета хужжатлари ишлаб чикиш (гидрогеология хulosалари олиш ва муалифлик назорати олиб бориш ишлари киймати билан) мажбуриятини олади. Буюртмачи эса вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда; 2022 й. «01 » 04 кунги танлов хайъати йигилиши - - - сонли баёнига асосан олган холда жорий нархларда 15 500 000 (ўн беш миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади шундан муалифлик назорати учун 200 000 (икки юз минг) сўмни ташкил этади КҶС билан.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил 16 04 да буюртмачига тўлиқ топширилади

2.3. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чикилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - курилиш кийматини кўпайтириш енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- Ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чикиди ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофик топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш нázоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.

5.1. Вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 16 мартағи 139-сонли карори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган холда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тугамасдан объект умумий шартномавий киймати доирасида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга кадар тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.Ишларни бажариш

6.1.Пудратчи лойиҳа ишларига лойиҳа бош мухандисни тайинлади. Бош мухандис лойиҳа-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошка мөъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар боскичларини келишади ва бажарилётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли холатлар вужудга келмайдиган холатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

8.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

8.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганини ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бирор бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга кўра, Буюртмачи 10 кун тчида, далолатнома имзоланган вактдан бошлаб, Пудратчига қақиқий харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича қақиқий қилинган харажатдан ошса, иккинчиси юқоридаги далолатномани тарафлар имзолаган қундан бошлаб 10 кун ичida фарқ суммасини кайтаришга мажбур бўлади.

9.Низоларни ҳал қилиш

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибида Фафона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

10.Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

10.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширимаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар қўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукукбузарликларни содир этганини ҳакида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

11.Шартномани бекор қилиши

11.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибида Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб кайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

11.2.Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараккӣёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

11.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аник бўлиб колса. Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибида тўлик ва сифатли шаклда топширилгунинга қадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

11.4. Шартномани бекор килишга қарор килган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

11.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

12. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ

Манзил: Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўча №92 уй
Тел./факс: 73- 244-70-75

ШХР:

100021860304017049805170005

Ташкилотнинг СТИРи: 201 152 382

ИФУТ: 69 000

Фарғона вилояти буйича Фазначилик
бошкармаси

ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар
Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази


(ХККМ) МФО: 00014 Ғазначилик

булинмасининг

СТИРи: 201 122 919

Ш.Юлдашев





«Пудратчи»

«FARG ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA» МЧЖ

Манзил: Фарғона ш. Фаробий кўча 11/18 уй
х.р.: 2020 8000 0045 7673 9001

Банк: АТБ «ТуронБанк» Фарғона филиали

МФО: 00 498 ИНН: 300 196 437 ОКЭД: 71120

Тел: (99891) 110-91-93 Факс _____

Директор:  А.Абдурахмонов.

